



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
XAL QILUV QARORI**

Хўжаобод тумани 2022 йил 27 октябрь 4-1706-2201/849-сонли иш

Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.К.Абидовнинг раислигида,
судья ёрдамчиси А.Алиқуловнинг котиблигида,
аризачи – Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг
жавобгар – “.....” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари
мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли
қарорига асосан 785 356 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги
аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни

аризачи вакили (2022 йил 23 июнь кунги 22-39478-сонли
ишончнома асосан) иштирокида, Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди
биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда
ДСБ ёки “Аризачи” деб юритилади) Хўжаобод туманлараро иқтисодий судига
ариза билан мурожаат қилиб, “.....” масъулияти чекланган жамияти
(бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади)га нисбатан Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги
283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга
оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги
Низомнинг 27-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
21 апрель кунги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини
такомиллаштириш, ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5087-сонли қарорини 10-бандига асосан
474,5 АҚШ доллари қийматидаги муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйиб
хорижий валюта тушишини таъминламаганлиги учун 474,5 АҚШ долларининг
5 ва 10 фоиз, жами 15 фоиз миқдорида 785 356 сўм молиявий жарима қўллашни
сўраган.

Суднинг 2022 йил 30 сентябрь кунги ажрими билан ишга низонинг
предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс
сифатида Андижон вилояти Божхона бошқармаси ҳамда ТИФ “Миллийбанк”
жалб қилинган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор
қилинган жавобгар, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз
қилмайдиган учинчи шахслар - Андижон вилояти Божхона бошқармаси ва ТИФ
“Миллийбанк” дан вакиллар суд мажлисида иштирок этмади. Андижон вилояти
Божхона бошқармаси ва ТИФ “Миллийбанк” судга ариза ва маълумотнома тақдим



этиб, ишни вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар, учинчи шахс Андижон вилояти Божхона бошқармаси ва ТИФ “Миллийбанк” АТБ вакиллари иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида аризачи вакили ариза талабларини қўллаб-қувватлаб, судга ариза берилганидан сўнг жавобгар томонидан дебитор қарздорлик бартараф қилинмаганлиги тўғрисида судга маълумот тақдим қилиб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Учинчи шахс ТИФ “Миллийбанк” ва Андижон вилояти Божхона бошқармаси жавобгарнинг ҳозирги кунда импорт шартномаси бўйича дебитор қарздорлиги мавжудлиги тўғрисида маълумот ва импорт шартномаси ва пул ўтказилганлигини тасдиқловчи мемориал ордерни ва бошқа ҳужжатларини тақдим этган.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан ариза талабини қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 215-моддасига кўра ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Иш ҳужжатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Андижон вилоят Бош бошқармасининг 2021 йил 1 декабрь куни ҳолатига “Ташқи савдо шартномалари бўйича кредиторлик ва муддати ўтган дебиторлик қарздорликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақида”ги 2021 йил 10 декабрь кунги 23-18/170-сонли хати бўйича “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими” (ТСОЯЭАТ)да мавжуд маълумотларга кўра ДСБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 283-сонли қарорининг талаблари ижроси юзасидан таҳлил ўтказилган.

Мазкур таҳлилларга кўра:

Жавобгар билан Тожикистоннинг “Хуаксин Гаюр (Сугд) семент” компанияси ўртасида 2017 йил 16 август кунида 0501039-сонли импорт шартномаси (ИДН рақами 200242929305001019170200001) бўйича жавобгарнинг 2021 йил 28 октябрь куни 474,5 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келганлиги аниқланган.

2022 йил 26 январь куни белгиланган муддатга қўшимча 60 банк куни якунига етганлиги учун ДСБ томонидан жавобгарга нисбатан 2022 йил 30 май куни дебитор қарздорликни бартараф қилиш ёки келиб тушмаган валюта маблағи 180 кундан 365 кунгача кечиктирилганлиги сабабли муддати ўтган дебитор қарздорликнинг 5 ва 10 фоиз, жами 15 фоиз, 474,5 АҚШ доллари эквивалентида 785 356 сўм жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисида талабнома юборилган. Бирок, талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шундан кейин ДСБ жавобгарга нисбатан 785 356 сўм молиявий жарима ундириш талаби билан иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари илгари оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби



тўғрисида”ги Низом (бундан буён матнда “Низом” деб юритилади)нинг 22-бандига кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари ва инвойслари мониторинги валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (бундан буён матнда ТСОЯЭАТ деб юритилади) орқали амалга оширилади. ТСОЯЭАТда олиб кириш контракти олиб чиқиш контракти билан, шунингдек, сотиб олиш контракти сотиш контракти билан ўзаро боғлиқ ҳолда мониторинг қилинади. Бунда валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари ўртасида ТСОЯЭАТда шаклланган маълумотларни ўзаро талаб этиш тақиқланади.

Низомнинг 24-бандида импорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан — «импорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги кераклиги белгиланган.

Низомнинг 27-бандига асосан ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24¹-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин 30 банк иш куни (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк иш куни) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар.

180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрель кунги “Тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5087-сонли қарорини 10-бандига кўра 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва “эркин муомалага чиқариш” божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишшни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтириш, 2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар



қўллаш тўхатиш ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “.....” масъулияти чекланган жамияти ва Тожикистоннинг “Хуаксин Гаюр (Сугд) семент” компанияси ўртасида 2017 йил 16 август кунда 0501039-сонли импорт шартномаси тузилган. Мазкур шартнома юзасидан жавобгар томонидан хорижий ҳамкорга 2017 йил 21, 28 август, 26, 25 сентябрь кунги тўлов топшириқномалари билан жами 198 560 АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари чиқарилган. Мазкур импорт шартномаси бўйича хорижий ҳамкор томонидан маҳсулотлар тўлиқ юбормай, 2017 йил 04, 12, 28 сентябрь, 04 октябрь кунни жами 198 085,5 АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар жавобгарга юборилганлиги натижасида 2021 йил 28 октябрь кунни жавобгарнинг 474,5 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келган. 2022 йил 26 январь кунни белгиланган муддатга қўшимча 60 банк кунни якунига етган. ДСБнинг дебитор қарздорлиқни ихтиёрий бартараф қилиш ҳақида жавобгарга 2022 йил 30 май кунни юборган талабномаси оқибатсиз қолдирилган.

Мазкур ҳолатда суд ДСБнинг талабини асосли деб ҳисоблайди. Булар аризаچи вакилининг тушунтиришлари, учинчи шахсларнинг маълумотномалари ва ишдаги бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланади.

Шу боис, суд жавобгарга нисбатан валюта ҳисобрақамига белгиланган муддатида келиб тушмаган жами 474,5 АҚШ долларининг 5 ва 10 фоиз, жами 15 фоиз, жами 71,18 АҚШ долларининг талабнома юборилган вақтдаги Марказий банк томонидан АҚШ долларига нисбатан белгиланган 2022 йил 30 май кунни курс (1\$=11 034,15 сўм) бўйича сўмдаги эквивалентида 785 356 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни лозим топади.

Шунингдек, Низомнинг 28-бандидаги қоидаларга мувофиқ, молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг 90 календарь кун ичида ва уни шу муддат ичида ижро этиш пайтида аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда — иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади (давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан), шунингдек, ундирилган жарималар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади.

Жарима қўлланилгандан кейин тушган валюта маблағлари ёки республикага олиб кирилган ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилган товар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси талабномада кўрсатилган валюта курси бўйича сўмда ҳисоб-китоб қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг давлат солиқ хизмати органи хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий варақасида қўлланилган жарима суммасини ҳисобга олади. Ҳисобга олинган жарима суммаси солиқ қарзи сифатида эътироф этилиб, белгиланган тартибда мажбурий ундирув чоралари қўрилиши тўғрисида жавобгарга тушунтириш берилсин.



ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларга кўра суд, ариза талабини тўлиқ қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси Давлат божи тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддаси 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, жавобгардан давлат божи ундирмасликни, аризачи томонидан олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажатини жавобгар ҳисобидан аризачи фойдасига ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176-179, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ариза талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “.....” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига асосан 474,5 АҚШ доллари қийматидаги муддати ўтган дебитор қарздорликнинг 5 ва 10 фоизи, жами 15 фоизига нисбатан қиймати 785 356 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилсин.

Қўлланилган молиявий жарима суммасини ундириш Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклатилсин.

“.....” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси фойдасига 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори конуний кучга киргач, почта харажатини ундириш бўйича ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ж.К.Абидов

